

# Тошкент ХАКУКАТИ

РўЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 21 март • шанба

№ 56 (10.305). Баҳоси 1 сўм.

## Масъул

ЖУМАДУРАТ УЛЛАХОНОВ

БЕРАТОВ БАҲОРОВ



● НАВРУЗ ҒАНТАНАЛАРИ: НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

(4—5-бетлар)

● МАОШНИНГ БЕШ ФОИЗИ — ҲАЙРИЯГА.

(2-бет)

● ИШИНГИЗ БАРОРИДАН КЕЛАДИГАН СОАТЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Маймун мучаллилар — уқувли, зийрак, тадбиркор кишилардир.

(3-бет)

● «ТАҚВИМИ АҲМАДИЙ» — ЙИЛ АҒДАРИШНИ УРГАТАДИ.

(8-бет)

● ЗАЙНИДДИН ХОЖИ ФАХРИДДИНОВНИНГ БАҲОР АЙЕМИ ҚУТЛОВИ.

(8-бет)



# АСРИМИЗНИНГ ОХИРГИ МАЙМУНИ

● НАВРЎ ҚАЧОН КИРАДИ? Ҳижрий янги йилнинг янги кунни бошланган аниқ вақт-соатни биласизми? Бунинг кўкка кўз тиккан фалакиётчи олимлар бехато айтиб беришади. Шу сабабли ҳам Тошкент астрономия институти мутахассисларига мурожаат қилдик.

Институт астрономия бўлими мудири физика-математика фанлари номзоди Абдумажид Раҳимовнинг айтишига қараганда, кунни кеча 20 март Тошкент вақти билан кундуз соат 1 да Кўёш Ер белбоғи — экваторни жанубдан шимолга кесиб ўтди. Демак, кечадан эътиборан Наврўз юртимизга ташриф буюрди. Мучал ҳисоби бўйича Маймун йили бошланди.

Табиятда жамики жонзот борки, 12 йиллик ўлчовга риоя қилади. Бу курраи заминимизни бошқариб турган Кўёш ҳаракати фаолияти билан боғлиқ ўлчовдир. «Маймун» ҳам 12 йилда бир келади. Ойлар ҳам 12 та бурж билан белгиланади, аммо 12 та бурж билан 12 та мучал йили ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

Лекин олимнинг фикрига қараганда, ҳар қайси мучалларнинг ўзига хос жиҳатлари — биологик фаоллашадиган вақтлари бўлади. Бу Кўёшнинг таъсиридан бўлса керак. Масалан, Маймун йилида туғилганлар учун муайян соатлар борки, ана шу пайтда уларнинг иши бароридан келади, самарали бўлади. Бу соат 15 дан 17 гача бўлган вақтдир. Бугунгача давом этиб келган «Кўй» мучаллар учун эса самарали фаолият соатлари кундуз 1 дан 3 гача. Кези келганда, бошқа мучалдагиларнинг «яхши» вақтларини ҳам айтиб ўтиш мумкин: «Сичқон»ники кечаси соат 23 дан 1 гача, «Сигир» — 1 дан 3 гача, «Йўлбарс»ники соат 3 дан 5 гача ва ҳоказо.

Сухбатдошимиз «Маймун» йилининг ўзига хос хусусиятлари нима-лардан иборат, бу йилнинг шамойили қандай бўлади, деган саволимизга «Бу астрология фанининг иши. У билан мунажжимлар шуғулланади», деб айтди.

Шарқ донишмандлари ҳар йилнинг ўз белгиси бўлади, деб ҳисоблайдилар. Маймун йили умуман ҳаёл, орзу белгиси билан ажралиб туради. Хитой, япон ақидаларига кўра шу йилда туғилган одамларнинг муайян ҳислатлари бор. Чунончи, «Маймунлар» жуда зўр қобилиятга эга бўладилар, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳамма вақт ҳам бу қобилиятни қандай ишлатишни билмайдилар. Кенг қамровли тadbирларни ўтказиш устаси бўлсалар ҳам, кўпинча ҳисоб-китобларда панд еб қўядилар. «Маймунлар» топқир, уқувли, зийрак, тadbирли, бошқаларга ўхшамайдиган иш қиладилар, энг мураккаб муаммоларни кўпинча жуда осонгина ҳал қиладилар. Уларга муваффақият ёр бўлмайдиган соҳа йўқ. Бироқ ҳаёт йўлини танлаганда бутунлай эркин бўлсаларгина, танилишлари, шўхрат топишлари мумкин. «Маймунларнинг заиф томони кўпинча бошлаган ишнинг охирига ет-тасва олмастлигиндир.

Тарихдан ана бир нарсани кузатишган. Маймун йили собиқ Совет Иттифоқи ҳужумкор характерда бўлиб, урушга интилган. Охириги тўртта маймун йилини олиб кўринг. 1944 йил — фашизмни ўз юртидан ҳайдаб чиқарган Совет Армияси душманни яқсон қилиш учун Европада ҳал қилувчи жанглар олиб борди. 1956 йил — Венгриядаги қонли воқеаларга сабабчи бўлди. 1968 йил Чехослования воқеалари ва ниҳоят кейинги 1980 йил машҳур афгон уруши.

1992 йил асримизнинг охириги «Маймун»дир. Навбатдаги Маймун мучал бўйича 2004 йилга тўғри келади.

Наврўзнинг, Янги йилнинг билан, юртдошлар!

С. МУСАЕВ.



## БАҒРИНГИЗ БУТУН, ТАНИНГИЗ СОҒ БЎЛСИН

Пойтахтимиздаги 2-туғуруқхона жамоаси ҳам кунни кеча Наврўз байрамини кенг нишонлади. Тантаналардан сўнг бош шифокор Н. Иброҳимова билан суҳбатлашдик.

— Биз жамоамиз билан биргаликда ўтган йили ҳам халқимизнинг қадимий ва энг ажойиб байрамини яхши нишонлаган эдик. Унда таниқли шоирлар, олимлар, санъаткорлар иштирок этишганди. Мана, бир йил бўлгачи, тез-тез ўша байрамни ёдга олиб тураемиз. Шу боис ҳам бу йилги Наврўзга тарадудни жуда эрта бошлаб юбордик. Уни қай тартибда, мазмуни қилиб ўтказиш режаларини тузиб олдик. Наврўзнинг шоҳ таъми — сумалак тайёрлашга алоҳида эътибор бердик.

— Қадриятларимиз, унутилган яхши урф-одат ва маросимларни тиклаш борасида сизларда ўзгаришлар бўлдимми?

— Албатта, айниқса, мен бу нарсани жамоамиз ходимлари орасида яққолроқ сезмоқдаман. Шунча йил ишлаб бир-биримизни фақат иш юзасидан билардик, хо-

лос. Орамазда ажойиб истеъдодлар, раққосалар, қўшиқчилар, лапар айтувчилар, пазандалар борлигини мана бўлиб ўтган тантаналарда кўрдик.

Илгарилари оналикдан воз кечиб, боласини туғуруқхонага ташлаб кетадиган аёллар тез-тез учраб турарди. Афсусланарлиси шунда эдики, кейинги пайтларда улар орасида ўзбек аёллари ҳам учраб турарди. Ҳозирда бу ҳол кескин қамайдиган. Бу албатта, ўзбеконани, шарқона урф-одатларимизнинг, ахлоқ-одобнинг ҳаётимизга чуқурроқ сингиб бораётгани деб биламан.

— Қутлуғ даргоҳга келиб, бағри тўлиб кетаётган оналарга тилагингиз?

— Авваламбор ҳар кимнинг оиласи мустаҳкам, бағри бутун, тани соғ бўлсин! Наврўз барчага бахт ва шодлик улашсин!

Суҳбатдош: М. ОБИДОВА.



## ВАТАНДОШ ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ

ЎзФА Алишер Навоий номидаги адабиёт олийгоҳида сўбатшунос ва ҳуқуқшунос, шоир Эргаш Шермат билан учрашув бўлиб ўтди. Эргаш Шермат Булоқбони таҳаллуси билан хорижда яшаб ижод қиладиган ватандошимиздир. Учрашувни ЎзФА адабиёт олийгоҳи директори, филология фанлари доктори, профессор Тура Мирзаев қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнгги Эргаш Шермат (Булоқбони) йилланларнинг саволларига жавоб берди ва ўз ижодидан намуналар ўқиди.

Тadbирда Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси, шоир Жамол Камол, Ўзбекистон президентлик Кенгаши аъзоси, шоир Шукрулло, адабиётшунос олимлар Наним Каримов, Матёқуб Қўшқонов, Шерали Турдиевлар ҳам сўзга чиқибди, Булоқбонининг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб ўтди. Унинг фаолиятига жисак баҳо беришди.

Т. РАҲИМОВ.








## «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасида

## ТАҚВИМИ АҲМАДИЙ

Яқин-яқинларда ҳам нуруний отахонлар ва онахонларимиз билан суҳбатлашиб, бш суриштирганимизда улар «йил ағдаришга» тушиб кетишарди. Таваллуд йилини-ку, «қўй»ми, «балиқ»ми, «от»ми, аниқлаб олинарди, лекин ойга келганда кўпинча ё «тут пишиғида», ё «шафтоли ғаққ пишганда», ё бўлмаса «қовун пўчоғи ерга тушган кезде» деган ибораларни эшитарди. Камдан-камлари — ўқиганлари «рамазоннинг ўн бешинда», «шавволнинг бошида», «сумбуланинг охирида» деб аниқроқ жавоб берардилар. Шу аҳволни ҳисобга олиб, «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси шарқшунос олим Алибек Рустам томонидан тузилган «Тақвими Аҳмадий»ни чоп этди.

Тақвимнинг аҳамияти шундаки, уни ҳарид қилган киши милодий йилнинг қайси ой ва куни ҳижрий-и шамсий ва ҳижрий-и қамарий йилнинг қайси ой ва кунига тўғри келишини қийналмай топа олади. Масалан, жадвалда қизил ранг билан ёзилган милодий 1992 йил 21 марти 1371 ҳижрий-и шамсий йили ҳамал ойи 1-кунига [зангори рангда ёзилган], 1412 ҳижрий-и қамарий йили рамазон ойининг 17-кунига [яшил рангда ёзилган] тўғри келади.

Тақвими чоп этишдан мақсад — халқимизни анъанавий ой ҳисобида саводли бўлишига баҳоли қудрат ҳисса қўшишдир.

ЛИМОНЗОР  
ТОРТИҒИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ мустақилликка эришган йилда, табиийки, халқимизнинг азалий «Наврўз» байрамини ҳар биримиз алоҳида, кайфият, кўтаринки руҳ билан кутиб оламиз, нишонлаймиз. Бу соҳада Қибрай ноҳиясидаги лимончиликка ихтисослаштирилган жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам катта ишларни олиб бормоқдалар. Улар байрамга тайёргарликни жуда эрта бошладилар. Сара маҳсулотлар байрамга сақлаб келинаётган эди. Бу маҳсулотлар «Наврўз» кунини расамади билан тақсимланиб, савдо шаҳобчаларига жўнатилади.

Ноҳиядаги «Пахтакор» ўйингоҳида «Наврўз» кунини катта савдо-ярмаркаси уюштирилади. Бу ярмаркада мазкур жамоа хўжалиги томонидан юбориладиган ноз-неъматлар салмоқли ўринини эгаллайди. Шу билан бирга бу ерда жамоа хўжалиги деҳқонлари халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатларини, мусулмончиликнинг қонун-қондаларини амалда намойиш ҳам қилиб кўрсатадилар.

Хўжалик маҳсулотларидан ҳар бир шаҳарлик ва пойтахтга ташириб буюрган меҳмонлар ҳам баҳраманд бўладилар. Мавжуд тўртта фирма магазинларига 19, 20, 21 март кунлари қачон ва қай маҳалда, қаяча, қайси турдаги маҳсулотларни юбориш олдиндан режалаштириди. Бу режага мувофиқ дўконларга ҳар кун кам деганда бир тоннадан лимон юбориб турилади. Шунингдек, 30 тонна картошка, 20 тонна пнёз, 20 тонна сабзи ҳам сотилади.

Халқимиз қишдан дармондориларга интиқ бўлиб чиқди. Лимонарий хўжалиги деҳқонлари буни ҳам ҳисобга олганлар. Фирма магазинларидан кўк пнёз, укроп, петрушка, редиска сингари резавор маҳсулотларни хоҳлаган вақтда сотиб олишингиз мумкин.

Бугина эмас, жамоа хўжалиги маъмурияти шаҳарнинг бошқа аҳоли гавжум ерларида, сайлгоҳларда ҳам савдо уюштиришни мўлжаллаб қўйган.

— Фурсатдан фойдаланиб, — дейди «Лимонарий» хўжалигининг асосчиси Зайнуддинхожи Фахриддинов, — ҳамшаҳарларимизни улуғ айём билан чин дилдан қутлайман. Ишларига ривож, омад тилайман. Хўжалигимиз деҳқонларнинг пешона тери билан етиштирилаётган ноз-неъматлар уларга манзур бўлади, деб ўйлайман...

Н. ИСАЕВ.

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

"УЗИНКОР" КОРПОРАЦИЯСИ  
ҚОШИДАГИ  
"БАРС ЛТД"

БАРС

Брокерлик Савдо уйи ўзининг муассисларини, ишбилармон шерикларини, жумҳуриятимизнинг барча аҳолисини НАВРЎЗ баҳор байрами билан чин юракдан табриклайди.

Ҳаммангизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

## ҚҮЛИМИЗ КҮКСИМИЗДА

ЎЗБЕК халқи азалдан меҳмондўстлиги, ширинсуханлиги, очинқўллиги билан доврўқ қозонган. Ҳатто бугунги тақчил кунларда ҳам одамлар юзидан табассум кетмаган. Дастурхонларда баҳор неъматини сумалакдан тортиб, ҳалим, кўксомсаларгача тўлиб тошган. Кунини кеча пойтахтимиздаги «Гулистон» ресторани атрофи ўз номи билан гулистонга ўхшади. Бир томонда карнай-сурнай наволари, бир томонда суначаларда нуруний отахонлар дуога қўл очилмоқда, яна бир томонда эса катта дошқозонларда палов дамланмоқда.

Келиб кетаётган меҳмонларни қўли қўлига тегмай кутиб олаётган ресторан директори Рихстилла Убайдуллаевнинг ёнига яқинлашдим.

— Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари учун жуда қувончли шу кунларда, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани, серсаховат еримиз бағридан «қора олтин» отилиб чиқгани қувончнингизга қувонч бағишлади, — деди салом-алиқдан сўнг. — Жумҳуриятимиз Президентини Ислом Каримов фармони билан миллий қадриятларимиз тикланди. Қуръони Карим, Ҳайит, Наврўз яна дунё юзини кўрди. «Гулистон» ресторанининг кўп миллатли жамоаси катта хурсандчилик билан яна бир бор Наврўзни нишонламоқда. Наврўзга бағишланган узлуксиз телекўрсатув ҳисобига 1000 сўм пул ўтказдик.

Халқимизнинг ҳиммати баланд. Шундай экан, улуғ айём кунларида бир-биримизга соғлиқ, яхши тилаклар тилаб қолайлик.

Даврон АҲМАД.



Тошкент вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича вилоят Давлат назоратининг собиқ бошлиғи Нозим Носирович Носировга ўғли

Муҳтор  
НОСИРОВнинг

фожали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги Тошкент вилоят мевачилик-сабзавотчилик саноати Давлат ширкат ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси Б. Н. Носировга укаси

Муҳтор Нозимович  
НОСИРОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

## Тошкент НАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ  
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШ-  
КЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГА-  
ШИ ВА «ТОШКЕНТ  
ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-  
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.